

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши раиси томонидан тасдиқланган “Коррупцияга қарши курашиш халқаро стандартларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига имплементация қилишни давом эттириш бўйича” Йўл харитасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда Олий аттестация комиссиясида коррупцияни олдини олиш бўйича

ДАСТУР

№	Коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш бўйича чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
I. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси тизимида коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш				
1.	ОАКда коррупцияга қарши курашишга оид 12 та ички идоравий ҳужжатларни кўриқдан ўтказиш (ОАКнинг коррупцияга қарши кўрашиш сиёсати; ОАКда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти; ОАКда манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом; ОАКга алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти; ОАК ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича Йўриқнома; ОАКда контрагентларни текширишга оид Йўриқнома; ОАКга ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқнома; ОАКда коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти; ОАКда коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом; ОАК ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги Низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг одоб-ахлоқ қоидалари).	Хатлов	2022 йил январь	ОАКда коррупцияга қарши курашиш ички назорат гуруҳи
2.	ОАК фаолиятига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларидаги коррупция учун шароит яратадиган қоида ва меъёрларни таҳлил қилиш,	Таҳлилий чора-тадбирлар	Доимий	ОАКда коррупцияга қарши курашиш ички

	натижаси бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.			назорат гуруҳи
3.	ОАК ходимларига мамлакатимизда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини мунтазам равишда етказиб бориш.	Семинар	Доимий	М.Масаидова
II. ОАКда коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш				
1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, жумладан 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сон “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида ҳамда мазкур йўналишдаги директив ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда ОАКда коррупциянинг ҳар қандай кўринишига муросасиз бўлиш, комплеанс-назорат тизимини жорий этиш бўйича белгиланган вазифалар ижросини ташкил этиш.	Комплекс чора-тадбирлар	2022 йил давомида Доимий	А.Юсупов А.Шермухамедов С.Зулунов Б.Шамуратов З.Исроилов М.Масаидова
2.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти асосида:	Таҳлилий чора-тадбирлар	2022 йил январь доимий	А.Юсупов А.Шермухамедов С.Зулунов Б.Шамуратов З.Исроилов М.Масаидова
	ОАК ҳар бир таркибий бўлинмасида коррупциявий хавф-хатарлар харитасини шакллантириш;			
	ОАКда коррупция хавф-хатарига энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхатини шакллантириш;			
	Аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни минамаллаштириш бўйича мақсадли чоралар кўриш.			
3.	Тиббиёт соҳасида амалга ошириладиган фан ва технологияларни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотларни рағбатлантириш ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш тизимини соғлиқни сақлаш соҳасидаги жаҳон тенденцияларига мослаштириш, жумладан: 1. Тиббиёт фанлари ва фармацевтика фанлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий	Чора-тадбирлар режаси	2022 йил 1 март	ОАК Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда

	<p>даражаларини бериш механизмларини қайта қўриб чиқиш ҳамда ушбу жараёнда коррупция хавфи юқори бўлган барча тартибларни очиқ ва шаффофлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш.</p> <p>2. Илмий даража олиш учун диссертацияни ҳимоя қилишни Интернет тармоғи орқали реал вақт режимида кузатишни назарда тутувчи тартиб жорий қилиш.</p> <p>3. Докторлик диссертацияларида қўчирмачилик (плагиат) ҳолатини олдини олиш ва илмий кенгашларга жамоатчилик вакилларини таклиф қилиш бўйича чораларни белгилаш.</p>	<p>Техник тартиб</p> <p>Ахборот тизимлари</p>	<p>2022 йил 1 апрель</p> <p>2022 йил 1 апрель</p>	
4.	<p>Аттестация жараёнини рақамлаштирган ҳолда “субъект-субъект” учрашувини минималлаштириб бориш:</p> <p>аттестация жараёнини рақамлаштирган ҳолда 2021 йилнинг 1 январидан амалиётга жорий қилинган “Электрон ОАК” тизимдан самарали фойдаланишни таъминлаш.</p> <p>“Илмий даража ва илмий унвонлар комплекс таҳлилий ахборот тизимлари”ни электрон тўлов тизими билан интеграциялаш;</p> <p>“Илмий даража ва илмий унвонлар комплекс таҳлилий ахборот тизимлари”ни бошқа вазирлик ва идоралар ахборот тизимлари билан интеграциялаш;</p> <p>илмий даража дипломи ва илмий унвон аттестатининг электрон нусхасини илова қилган ҳолда талабгорларга маълумот беришни Ягона интерактив давлат хизматлари портали билан интеграциялаш орқали амалга ошириш.</p>	<p>Ахборот тизимдан самарали фойдаланиш</p> <p>Ахборот тизимларини интеграциялаш</p>	<p>Доимий</p> <p>2022 йил апрель</p> <p>Белгиланган муддатларда</p> <p>2022 йил ноябрь</p>	<p>А.Шермухамедов З.Таджиходжаев</p> <p>З.Таджиходжаев О.Махманов З.Исроилов</p> <p>З.Таджиходжаев О.Махманов Б.Шамуратов</p>
5.	<p>Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг "E-Anticor.uz" электрон рейтинг баҳолаш тизими платформасига ОАК фаолияти бўйича тегишли маълумотларни киритиш бўйича тайёргарлик ишларини ташкил этиш. 2022 йилнинг 1 июлидан бошлаб "E-Anticor.uz" электрон рейтинг баҳолаш тизими платформаси маълумотларни киритишни йўлга</p>	<p>"E-Anticor.uz" электрон рейтинг баҳолаш тизими</p>	<p>2022 йил январь-июль</p>	<p>А.Шермухамедов С.Зулунов Б.Шамуратов З.Исроилов М.Масаидова</p>

	қўйиш бўйича техник тайёргарлик ишларини ташкил қилиш ва жорий қилиш.			
III. ОАК раҳбариятининг коррупцияга қарши муросасиз муносабатни кўрсатувчи хатти-ҳаракатлари бўйича чора-тадбирлар				
1.	ОАК раисининг ходимлар ва илмий жамоатчилик учун коррупцияга қарши курашга оид мурожаати бўйича:			
	матн лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ОАК Раёсатида муҳокама қилиш;	Муҳокама	2022 йил январь	А.Юсупов А.Шермухамедов З.Таджиходжаев У.Мамадалиев Н.Шарипова
	матнни ходимлар, илмий кенгашлар, олий таълим ва илмий ташкилотларга ҳамда кенг илмий жамоатчиликка етказиш;	Жонли, хат, веб-сайт		
	ОАК Раёсати, ОАК Жамоатчилик кенгаши ва ОАК Аёллар кенгаши мажлисларида коррупцияга қарши курашиш ҳолатларини кўриб чиқиш;	муҳокама	2022 йил январь. Ҳар чоракда	А.Юсупов раҳбарият
	илмий кенгашлар, олий таълим ва илмий ташкилотларда илмий жамоатчилик билан коррупцияга қарши курашиш ҳолатларининг кўриб чиқиш.	Муҳокама	Учрашувлар асосида	А.Юсупов раҳбарият
	Коррупцияга қарши курашиш бўйича жамоатчилик асосида тузилма – ОАК ишчи гуруҳини тузиш.	ОАК Раёсати қарори	2022 йил январь	А.Юсупов раҳбарият
	ОАК раиси ва ўринбосарларининг ОАВ ва бошқа тадбирларда коррупцияга қарши курашиш бўйича чиқишлари.	ОАВда чиқишлар	Ҳар ярим йилда камида 1 марта	А.Юсупов А.Шермухамедов З.Таджиходжаев У.Мамадалиев Н.Шарипова
IV. Ходимларнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички тартиб-таомиллардан хабардорлиги ҳамда ушбу соҳада билим ва куникмаларини ошириш бўйича чора-тадбирлар				
1.	Ходимларнинг коррупцияга қарши курашиши бўйича ички тамойиллардан хабардорлиги бўйича:			
	ОАК ходимлари билан коррупцияга қарши курашиш бўйича ички тамойиллар бўйича ишчи семинарини ўтказиш.	Семинар	2022 йил январь,	А.Юсупов

			сентябрь	А.Шермухамедов
	Илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар раҳбарияти билан коррупцияга қарши курашиши бўйича семинар ташкил этиш;	Видеосеминар	2022 йил март	
	ОАК ходимлари билан тренинглар ташкил қилиш	Тренинг	Режа асосида	
2.	ОАК ходимлари ўртасида одоб-ахлоқ қоидалари нормалари ва талабларини тушунтириш бўйича тадбирлар ўтказиш. Ўтказилган тадбирлар ҳақидаги маълумотларни ОАК расмий веб-сайтида ёритиш.	Семинар	Доимий	А.Юсупов А.Шермухамедов У.Мамадалиев
V. Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул ходимлар, илмий ва илмий-педагог кадрлар маданиятини юксалтириш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирлари				
1.	ОАК ходимларини коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кўрашиш соҳасида малакасини ошириш:		2022 йил давомида	А.Юсупов А.Шермухамедов
	коррупциянинг олдини олиш мавзусида ОАК Тартиб-қоида комиссиясида аниқ аттестация ишлари асосида ишчи семинари ташкил қилиш;	Ишчи семинари	Ҳар ҳафта	
	коррупцияга қарши кўрашиш соҳасида ташкил қилинадиган махсус ўқув курсларида ОАК ходимларини малакасини ошириш;	Ўқув курси	2022 йил давомида	А.Шермухамедов
	коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус Йўриқнома тайёрлаш ва фаолиятда фойдаланиш.	Қўлланма	2022 йил май	Б.Шамуратов
	коррупцияга қарши курашиш мавзусида ОАК барча ходимлари билан тренинг ўтказиш.	Тренинг	2022 йил март, июнь, сентябрь, декабрь	А.Шермухамедов
	коррупцияга қарши курашиш мавзусида ОАК Котибияти ходимлари билан тренинг ўтказиш.		2022 йил январь, октябрь	
2.	Ишга янги қабул қилинган ходим билан коррупцияга қарши курашиш бўйича билим ва кўникмаларини қуйидаги тизим асосида амалга ошириш: “суҳбат – норматив-ҳуқуқий	Амалий чора-тадбирлар	Доимий	А.Юсупов А.Шермухамедов

	хужжатлар билан таништириш – масъулиятни юклаш - тартиб-қоида комиссиясида ҳар hafta семинарда малакасини ошириш – махсус ўқув курсларида малака ошириш”.			
3.	Республика ОТМ/ИТМ илмий жамоатчилиги, илмий тадиқотчилар ва ёш олимлар билан олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, талабгорларнинг муаммоларини жойида ҳал этиш ҳамда уларга услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида, шунингдек соҳада коррупция ҳолатларининг олдини олиш бўйича доимий равишда учрашувларни ўтказиб бориш.	Учрашувлар, улубий семинар, давра суҳбатлари	2022 йил давомида	А.Юсупов А.Шермухамедов
4.	2022 йилда Давлат дастурида коррупцияга қарши курашиш йўналишида амалга оширилган ишлар натижалари ҳамда Халқаро коррупцияга қарши кураш кунига бағишланган учрашув ўтказиш.	Семинар	2022 йил 7 декабрь	А.Юсупов А.Шермухамедов Б.Шамуратов
5.	ОАК фаолияти очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида соҳага оид маълумотларни ОАКнинг Facebook (https://www.facebook.com/oakuzbekistan/) ва Telegram (https://t.me/attestatsiya) ижтимоий тармоқларида очилган саҳифаларида доимий ёритиб бориш.	ОАК веб-сайти, “ОАК Бюллетени” журнали, ижтимоий тармоқ (Фейсбук) ва мессенджерларда (Телеграм) ёритиб бориш	Доимий	У.Мамадалиев С.Зулунов Б.Шамуратов З.Исроилов
6.	Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси тизимида коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва уларга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган тадбирларнинг самарадорлиги ва амалий фойдасини таҳлилини ОАК Раёсати мажлисида муҳокама қилиш.	Таҳлилий чора-тадбирлар	2022 йил декабрь	ОАКда коррупцияга қарши кўрашиш Ички назорат гуруҳи